

“ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР АЛ-ИСЛОМИЙ” ОҚИМИНИНГ ТАРИХИ

Адҳамов Музаффар

мустақил тадқиқотчи

Ўзбекистон суверен демократик давлат. Ички ва ташқи сиёсатда эркин бўлган кўпмиллатли, поликонфессионал давлатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда диншуносликка оид билимларнинг ўрни бекиёс. Кўпдидинилик давлатда диний конфессиялар билан бир қаторда секталикка асосланган ғайриконуний диний жамоаларнинг яширин фаолият олиб боришга бирдек ҳаракат қилиши табиий саналади.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, ҳар бир соҳада ислохотлар амалга оширила бошланди. Дин ва диний қадриятларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Инсонлар ҳаётида ҳақиқий маънода эътиқод эркинлиги шакллантирилиб, дин ва ибодат эркинлиги таъминланди¹. Аҳолининг кўпчилиги мусулмонлардан иборат бўлгани боис, Республиканинг турли ҳудудларида масжидлар очилиб, фаолият юрита бошлади. Фуқаролар учун муқаддас жойлар: Макка ва Мадинага Умра зиёрати ташкил этилди². Кўкалдош³, Хадичаи Кубро, Жўйбори Калон, Ҳўжа Бухорий, Саййид Мухйиддин маҳдум⁴, Мулла Қирғиз (ҳозирга Ҳидоя) мадрасаларининг фаолияти қайта тикланди⁵. 1990 йили Ўзбекистонда илк бор ҳайит байрамлари (Рамазон ва Қурбон ҳайити) расмий равишда нишонланди⁶. Дунё тамаддунига ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Имом Бурҳонийдин Марғилоний, Аҳмад ал-Фарғоний каби буюк мутафаккирларнинг илмий меросини ўрганиш, хотирасини тиклаш ва дунёга

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 31-моддаси (08.12.1992)

² Ўзбекистон ССР Президентининг 1990 йил 2 июндаги «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига Ҳаж қилиши тўғрисида»ги ПФ-12-сон Фармони

³ Toshkent ensiklopediya. Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2009. – B. 784.

⁴ <https://madrasa.uz/uzbda-ishlab-turgan-madrasalar/486-sayyid-muxyiddin-mahdum.html>

⁵ <https://oliymahad.uz/43133>

⁶ Ўзбекистон ССР Президентининг 1990 йил 2 июндаги «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига Ҳаж қилиши тўғрисида»ги ПФ-12-сон Фармони

танитиш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистондаги тараққиёт айрим кимсаларга ёкмади. Натижада, Республика ҳудудида дин ниқоби остида ақидапараст оқимлар, секталикка асосланган ноқонуний-ноанъанавий диний жамоалар, террорчи ташкилотлар фаолият юритишга ҳаракат қилди. Бундай, нолегал, деструктив, радикал оқимларга “Ўзбекистон Исломий Ҳаракати” (ЎИХ), “Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий”, “Ақромийлар”, “Нурчилар” ва “Ваҳҳобийлик” каби ақидапараст диний жамоаларни киритиш мумкин.

“Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий” мустақил Ўзбекистонда фаолият юритишга ҳаракат қилган, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий суди қарори билан халқаро ва маҳаллий террорчи ҳамда экстремистик ташкилот сифатида тан олиниб, мамлакат ҳудудидаги фаолияти тақиқланган ақидапараст оқимлардан бири⁷.

Ислом ниқоби остида фаолият юритган “Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий” («Ислом озодлик партияси») экстремистик ташкилоти 1953 йилда Фаластин давлатида Тақиюддин Набихоний томонидан асос солинган⁸. Улар “халифачилар”⁹, хизбчилар, таҳрирчилар деб ҳам аталади¹⁰. К.Шермухамедов ва Ж.Каримовларнинг таъкидлашларича, Т.Набихоний 1953 йилда «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг аъзолигидан чиқиб, Қуддус (Иерусалим)да «Хизбут-таҳрир ал-исломий» ташкилотини тузган¹¹.

Т.Набихонийнинг стратегияси жамиятни ичкаридан тайёрлаш ва бошқаришга мўлжаллангани билан бошқа радикал, деструктив гуруҳлардан фарқ қилади. Унинг асосий тамойили давлатчилик асослари бутунлай инкор этиш орқали бошқарувни қўлга киритишдан иборат бўлган. Бундай стратегия миллий хавфсизликка таҳдид бўлиб, жамият барқарорлигини издан чиқарувчи

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 12 мартдаги хал қилув қарори

⁸ <https://www.gazeta.uz/uz/2019/10/16/iiv/>

⁹ Саиджалолов С. Исломдаги мазҳаблар ва оқимлар. [Матн]: ўқув қўлланма / – Тошкент : Тошкент ислом университети, 2012. – Б. 103.

¹⁰ Шермухамедов, К. Ислом ниқоби остидаги экстремистик террорчи уюшмалар [Матн]: маълумотлар тўплами / К. Шермухамедов, Ж. Каримов. – Тошкент : Тошкент ислом университети, 2017. – Б. 22.

¹¹ Shermuxamedov, K. Ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashning ma'naviy-ma'rifiy asoslari [Matn] : o'quv qo'llanma / K.A. Shermuxamedov, J.A. Karimov. – Toshkent: «O'zbekiston faylasuf lari milliy jamiyati» nashriyoti, 2018. – B. 102.

деструктив мафкуравий курул саналади.

Ташкилотнинг ғоявий асоси Т.Набихоний томонидан 1953 йилда нашр қилинган “Ислом низоми” (“Низомал-ислом”) китобида баён қилинган. Шунинг айтиб ўтиш керакки, ушбу китоб бугунги кунгача «Хизбут-таҳрир ал-исломий» ташкилотининг асосий манбаси саналади.

Ташкилотнинг манбаси борасида Ў.Ҳасанбоев шундай дейди: “Набаҳоний ва партиянинг иккинчи етакчиси Абдулқадим Заллумнинг «Ислом низоми», «Халифалик», «Исломий оламга қайноқ нидолар» ва «Хизбут-таҳрир тушунчалари», «Исломда бошқарув низоми», «Демократия – куфр низоми» каби қатор китобларда баён қилинган¹². Ушбу фикрни С.Саиджалолев ҳам қўллаб қувватлайди¹³. Манбаларда ташкилотнинг асосий ғоялари: ягона халифалик барпо этиш фарзлиги, халифалик давлати қурилмагунча жума намози ва баъзи бошқа ибодатлар фарз бўлмаслиги, дунёвий давлатда яшайётган инсонларнинг қилаётган солиҳ амаллари қабул бўлмаслиги, давлатга қарши бўлган гуруҳлар тузиш, “байтул-мол” ташкил этиш, “табарруъот” солиғини жорий этиш каби асоссиз ғоялар¹⁴, шунингдек, демократия ва инсон эркинликлари гўёки «куфр дунёқараши ва низоми экани», «уни қабул қилиш, унга даъват қилиш, унинг асосида партия тузиш ҳаром» деб эълон қилинган¹⁵.

С.Саиджалолев “Хизбут-таҳрир ал-исломий” экстремистик ташкилотининг юртимиздаги фаолияти 90-йилларда сезила бошланганини таъкидлайди.

“Хизбут-таҳрир ал-исломий” террорчи ташкилотининг фаолияти нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида

¹² Ҳасанбоев, Ўткир. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий қурашнинг долзарб йўналишлари / Ў.Ҳасанбоев; масъул муҳаррирлар К.Камилов, А.Мансуров. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – Б. 192-194.

¹³ Саиджалолев С. Исломдаги мазҳаблар ва оқимлар. [Матн]: ўқув қўлланма / – Тошкент : Тошкент ислом университети, 2012. – Б. 103.

¹⁴ Саиджалолев С. Исломдаги мазҳаблар ва оқимлар. [Матн]: ўқув қўлланма / – Тошкент : Тошкент ислом университети, 2012. – Б. 103.

¹⁵ Ҳасанбоев, Ўткир. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий қурашнинг долзарб йўналишлари / Ў.Ҳасанбоев; масъул муҳаррирлар К.Камилов, А.Мансуров. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – Б. 192-194.

аниқланган¹⁶.

АСГнинг 30 июль 2003 йилда тақдим қилган тадқиқот натижаларида “Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий” ташкилоти диний эмас, балки, мусулмон давлатларида ҳокимиятни эгаллашга интилаётган дин ниқоби остидаги сиёсий партия сифатида кўрсатилган¹⁷. “Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий” партия эканлигини Ў.Ҳасанбоев ҳам қўллаб қувватлаган¹⁸.

“Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий” ташкилотининг асосий мақсади мусулмон мамлакатларини бирлаштирувчи “халифалик” давлатини қуриш¹⁹.

Т.Набаҳонийни 1977 йили 11-декабрда Ливаннинг Байрут шаҳрида вафот этади²⁰. Унинг вафотидан сўнг, партия бошқарувини фаластинлик Абу Юсуф Абдулқадим Заллум ўз назоратига олади²¹. Унинг рабарлиги даврида ташкилот собиқ иттифок таркибига кирган республикаларда ўзининг фаолиятини жадаллаштирган²². Заллум 2003 йилда 29 апрел куни вафот этади. 2003 йилдан буён «Ҳизбут таҳрир»га Ато Абу Рушта (Абу Ёсин) раҳбарлик қилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, “Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий” диний ташкилот эмас, балки, мусулмон давлатларида ҳокимиятни эгаллашга интилаётган дин ниқоби остидаги сиёсий партия саналади. **Бугунги кунда ташкилотнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасида тугалланган.**

Мустақиллик даврида қуйидаги омиллар “Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий” экстремистик ташкилотининг Ўзбекистон ҳудудида кириб келиши ва мамлакат ичида нисбатан кенг ёйилишига сабаб бўлган:

Биринчидан, собиқ иттифок даврида диннинг ривожланиши қаттиқ

¹⁶ Радикальный ислам в центральной Азии:ответ на появления хизб ут-Тахрир. ICG/ Отчет № 58 МГПК – Азия.

¹⁷ Радикальный ислам в центральной Азии:ответ на появления хизб ут-Тахрир. ICG/ Отчет № 58 МГПК – Азия.

¹⁸ Ҳасанбоев, Ўткир. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари / Ў.Ҳасанбоев; масъул муҳаррирлар К.Камилов, А.Мансуров. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – Б. 192-194.

¹⁹ Шермух;аммедов, К. Ислом ниқоби остидаги экстремистик террорчи уюшмалар [Матн]: маълумотлар тўплами / К. Шермухдммедов, Ж. Каримов. – Тошкент : Тошкент ислом университети, 2017. – Б. 23.

²⁰

²¹

²² Шермух;аммедов, К. Ислом ниқоби остидаги экстремистик террорчи уюшмалар [Матн]: маълумотлар тўплами / К. Шермухдммедов, Ж. Каримов. – Тошкент : Тошкент ислом университети, 2017. – Б. 22.

чекловлар остида бўлган. Масжидлар ёпилган, диний таълим олиш тақиқланган бўлиб, диний амалларни бажаришда қийинчиликлар бор эди. Натижада мустақиллик йилларида аҳолининг аксар қисми соф ислом таълимотларини билмас эди. Бу эса ўз навбатида радикал ғояларни аҳоли орасида кенг ёйишга имконият яратиб берди.

Иккинчидан, диний таълим тизими тартибга солинмаган эди. Диний эътиқоддаги бўшлиқларни тўлдириш, диний таълимотларни ёйиш ғояси остида эркинликдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланган айрим кимсалар, минглаб ма-сжидлар очилишидан фойдаланиб, минбарларда бемазҳабликка асосланган ёд ғояларни масжидларда тарқата бошладилар. Натижада кўплаб мусулмон аҳоли орасида тафриқаланиш пайдо бўлди.

Учинчидан, “Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий” оқими ўзининг ғояларини яширин дарслар орқали тарқатгани, шунингдек, уйма-уй юриб варақа тарқатиш орқали инсонларни ҳукуматга қарши қўйишга ҳаракат қилгани аниқланган²³. Янги ташкил этилган ҳукуматда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ўрганлар ҳамда ҳарбий ҳимоя тизимининг ҳали яхлит ва мукамал ҳолда шаклланмагани радикал оқимларнинг маҳаллаларда кенг кўламда фаолият олиб боришига имконият яратиб берган. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларида бундай мафкуралар борасида билим ва малака йўқ бўлган. Натижада оқ билан қорани аниқлашда қийинчиликлар вужудга келган.

Тўртинчидан, ҳуқуқий тизим деярли янгиланаётган, бош қомус устида изланишлар олиб борилаётган бир вақтда бундай кимсалар ғайри қонуний фаолияти қонун ҳужжатларининг тақомиллаштишига ҳам сабаб бўлган. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ва жиноят кодексларининг шаклланиши ва уларни тақомиллаштишига олиб келган.

²³ Шермух;аммедов, К. Ислом никоби остидаги экстремистик террорчи уюшмалар [Матн]: маълумотлар тўплами / К. Шермух;аммедов, Ж. Каримов. – Тошкент : Тошкент ислом университети, 2017. – Б. 29.